

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

*Худойбердиева Дилафрўз Бахтиёровна*

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти*

*Аннотация.* Ўзбекистон яшил иқтисодиёт соҳасида ислохотларни амалга ошириш бўйича минтақадаги етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Айниқса, охириги йилларда мазкур соҳани молиялаштириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг асосий мақсади 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида «яшил» ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоли масалалар мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига, хусусан, иқтисодий ўсиш ва камбағалликни қисқартириш, экологик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, ушбу йўналишда мамлакатда иқлим ўзгариши таъсирини камайтириш ва унга мослашиш, «яшил» иқтисодиётга ўтиш чораларини жадаллаштириш, «яшил» ва инклюзив иқтисодий ўсиш моделини тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, мамлакатда «яшил» иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, «яшил» инвестицияларни жалб қилиш, экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 октябрдаги ПҚ-4477-сон қарори билан 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси тасдиқланган.

2020 йилда коронавирус (COVID-19) пандемияси туфайли юзага келган эпидемиологик вазият сабабли дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу Стратегияни жадал амалга ошириш имконияти чекланди.

Шу билан бир қаторда, 2021 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенциясининг 26-йиғилишида (COP26) Ўзбекистон Республикаси томонидан Париж битими доирасида 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигида иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йилги кўрсаткичларга нисбатан 35 фоиз камайтириш бўйича қўшимча мажбуриятни ўз зиммасига олиши ҳақида баёнот берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жорий йилнинг май ойида 2030 йилга қадар метан эмиссиясини 2020 йилга нисбатан камида 30 фоизга камайтириш бўйича мамлакатларнинг жамоавий мақсадга эришиши бўйича глобал мажбурият тўғрисидаги ташаббусга (Global Methane Pledge) қўшилди.

Коронавирус пандемияси ва иқлим ўзгариши туфайли юзага келаётган салбий ҳолатларнинг сабоқлари иқтисодий ўсишни таъминлашда янада барқарор манбалар ва ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, хусусан, мамлакатда «яшил» иқтисодиёт ва «яшил» иқтисодий ўсиш бўйича стратегик мақсадлар ва чора-тадбирлар амалга оширилишини самарали ташкил этиш заруриятини кўрсатмоқда.

2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси асосида «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини

ошириш, шунингдек, ушбу йўналишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликдаги мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларини таъминлаш Дастурни ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтирди.

Дастурнинг мақсад ва вазифалари миллий даражада мавжуд бўлган соҳалар бўйича қуйидаги стратегик йўналишларга асосланади ва уларнинг ўзаро тўлдирувчи жиҳатларини кучайтиради:

технологик модернизация ва «яшил» технологияларни жорий этиш учун молиявий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, энергия тежаш ва самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни аниқлаш, иқтисодиёт тармоқларида энергия менежменти орқали энергия самарадорлигини сезиларли даражада ошириш;

«яшил» иқтисодиётга ўтишнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш, иқлим ўзгаришига доир масалаларда давлат хизматлари қамровини кенгайтириш, «яшил» иқтисодиёт соҳасида аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш орқали аҳоли ва маҳаллий жамоатчилик иштирокини кенгайтириш;

«яшил» инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, хусусий секторга кенг имкониятлар яратиш ва «яшил» инновацияларни жорий этишда хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат-хусусий шерикликни ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш орқали «яшил» иқтисодиётга ўтиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

Дастур қуйидаги 6 та устувор йўналишда Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодий ўсишни таъминлаш вазифаларини белгилайди:

табiiй ресурслардан барқарор ва самарали фойдаланиш;

миллий иқтисодиётнинг табiiй офатлар ва иқлим ўзгаришига нисбатан барқарорлигини мустаҳкамлаш;

миллий иқтисодиёт, хусусан, саноатнинг «яшил» ва кам углеродли ривожланишини таъминлаш;

инновацияларни жорий этиш ва самарали «яшил» инвестицияларни жалб қилиш;

барқарор ва инклюзив «яшил» урбанизацияни ривожлантириш;

«яшил» иқтисодиётга ўтиш даврида катта таъсир остида бўлиши мумкин бўлган аҳоли ва уларнинг яшаш жойларини қўллаб-қувватлаш.

Ушбу устувор йўналишлар бўйича вазифаларнинг самарали амалга оширилиши қуйидаги йўналишлардаги тармоқлараро чоралар билан бир қаторда амалга оширилади:

«яшил» ўсиш бўйича салоҳиятни ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш;

«яшил» иқтисодиётга ўтиш учун қулай сиёсий муҳит яратиш, самарали институтларни жорий қилиш;

ташқи ва ички «яшил» молиялаштириш оқимларини кўпайтириш.

Жаҳон банки ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда Иқтисодиётнинг декарбонизациялаш ва “яшил” ривожланиш моделига ўтиш бўйича узоқ муддатли стратегияни (LTS – Long-Term Strategy for Decarbonization) ишлаб чиқиш лойиҳаси йўлга қўйилди. Париж битимининг 4-моддасига мувофиқ, мамлакатлар 2050 йилгача углерод нейтраллигига эришишга қаратилган ўзларининг узоқ муддатли стратегияларини ишлаб чиқиш белгиланган. Мазкур стратегия доирасида иқтисодиёт тармоқларида углерод нейтраллигига эришиш учун амалга ошириладиган асосий чоратadbир ва лойиҳалар, талаб қилинадиган капитал қўйилмалар ҳажми кўрсатилган инвестиция режаси тайёрланади.

Шунингдек, Жаҳон банки билан биргаликда 2030 йилгача иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон иқтисодиётига бевосита ва билвосита таъсирлари ўрганилди ва унинг асосида “Toward a Greener Economy” ҳисоботи тайёрланди. II-Халқаро иқтисодий форумда тақдимот қилинди, Жаҳон Банки ва Вазирлик расмий веб-сайтларида жойлаштирилди. Иқлим ўзгариши шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича миллий баҳолаш (CCDR–Climate Change and Development Report) лойиҳасини амалга ошириш йўлга

кўйилди.

Ушбу баҳолаш иқтисодиётга халқаро арзон “яшил” молиявий кўмакларни жалб қилишга кўмак беради.

Осиё тараққиёт банки экспертлари томонидан Ўзбекистонда давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг иқлим билан боғлиқ мезонларини (Climate– Public Investment Management Assessment – C-PIMA) қўллаш юзасидан таҳлиллар яқунланиб, якуний ҳисобот тақдим этилди.

2022 йил якуни билан Халқаро валюта жамғармаси (IMF) томонидан 12 мамлакатда давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг иқлим билан боғлиқ мезонларини (C-PIMA) ишлаб чиқилиб, жорий этилган. 2022 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонга қарийб 900 миллион доллар сармоя киритди ва у Марказий Осиёда кетма-кет учинчи йил энг кўп маблағ олувчи давлатга айланди. Қайта тикланадиган энергия манбаларидан тортиб банк соҳасигача бўлган 26 та лойиҳага сармоя киритилди. ЕТТБ хорижий инвесторлар ва ислохотларни қўллаб-қувватловчи ҳокимият органлари ўртасида мулоқот майдони бўлиб хизмат қиладиган Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисини ўтказишга ёрдам берди.

Мамлакатнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиши ҳам банкни молиялаштиришнинг муҳим йўналишига айланди. Шундай қилиб, ЕТТБ Бухоро вилоятида умумий ўрнатилган қуввати 1 ГВт бўлган иккита шамол электр станциясини қуриш ва фойдаланишга топширишга кўмаклашиш учун умумий қиймати 520 миллион доллар бўлган иккита синдикатланган кредит ташкил қилди.

Шунингдек, банк Ўзбекистоннинг Навоий вилоятида қуввати 500 Мвт бўлган янги шамол электр станциясини ривожлантириш, қуриш ва фойдаланиш учун 74 миллион долларлик молиялаштириш пакетини ажратди. Лойиҳа йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларни аниқлаш ва кузатиш ва танланган турбиналарнинг автоматик ўчирилишини ишга туширишга қодир бўлган Identiflight тизимидан фойдаланишга эришилади. Энергетика секторидан ташқари, ЕТТБ Хоразм ва Қорақалпоғистонда қаттиқ маиший

чиқиндиларни бошқариш учун масъул бўлган ҳудудий коммунал хизматларга умумий қиймати 120 миллион долларгача бўлган узоқ муддатли суверен кредитлар ажратди. Лойиҳа Ўзбекистоннинг Париж келишувига мувофиқ декарбонизация саъй-ҳаракатларига ҳисса қўшади ва қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш бўйича миллий стратегияни қўллаб-қувватлайди.

2022 йилда ЕТТБнинг Кичик бизнес бўйича маслаҳат дастури Ўзбекистонда 100 га яқин маслаҳат лойиҳаларини ишга туширди, бунинг натижасида маҳаллий аҳолининг кичик ва ўрта корхоналар билан қамраб олиниши 50 фоизга ошди, уларнинг ярми тадбиркор аёллар ва 40 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда истиқомат қилади.

Ўзбекистонда яшил иқтисодиётни молиялаштириш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтиришда Ўзсаноатқурилишбанк алоҳида ўрин тутади. Мазкур банк мамлакат иқтисодиётида биринчилардан бўлиб мазкур соҳани молиялаштиришни бошлади ва бугунги кунда самарали фаолият олиб бормоқда.

2023 йил 27 ноябр куни Ўзбекистонда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини тарғиб қилишга бағишланган биринчи ишчи учрашув бўлиб ўтди. БМТ Глобал шартномаси, “Chapter Zero Uzbekistan” дастури, “Alkes Research” инвестиция ва консалтинг компанияси ҳамда “Fanda” корпоратив алоқа консорсиуми ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзсаноатқурилишбанк вакиллари ҳам иштирок этди.

Бугун бутун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгариши туфайли юзага келаётган муаммо ва таҳдидларга жавоб топишга интиломқда. Хусусан, инвесторлар ҳам асосий эътиборни компаниялар барқарорлигига қаратиб, ишлаб чиқаришда ESG тамойилларини изчил татбиқ этишга киришган. Бу, ўз навбатида, хусусий секторни фаол ривожлантираётган, хорижий сармояларни жалб этаётган, кенг қўламли хусусийлаштириш жараёнини бошдан кечираётган ҳамда босқичма-босқич “яшил иқтисодиёт”га ўтаётган Ўзбекистон учун долзарблик касб этади.

Таъкидлаш жоиз, банк тизимида Халқаро молия корпорацияси, Европа

Тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ESG тамойилларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. The Green Economy Pocketbook: The case for action. – London : Green Economy Coalition, 2012. – 58 p.
2. The Road to Rio+20: For a Developmentled Green Economy. Second issue / ed. C.M.Simpson. – New York, Geneva: United Nation, 2011.– 98 p.
3. Холмаматов, Ф. К. (2021). РЕСПУБЛИКАМИЗ БАНК ТИЗИМИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. Scientific progress, 2(2), 488-495.
4. Kholmamатов, F., Khannaev, S., & Ruzimorotov, O. (2021). Assessment Of The Competitive Environment In The Bank Market Of Uzbekistan Through " Bun" Indicator. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(7).
5. Chartayev Asqar, & Xolmamatov Farhod. (2022). THE PROFITABILITY INDICATORS OF COMMERCIAL BANKS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THEIR MODERN STATE. World Economics and Finance Bulletin, 8, 141-148. Retrieved from <https://www.scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/710>
6. Kholmamатов, F. (2023). The Importance and Role of Bank Capital in Ensuring the Stability of the Banking System. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10825377>
7. Xolmamatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo‘llari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(9). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/953>
8. Xolmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta’minlashda bank zaxiralaridan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(8). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-www.pedagoglar.org>

[taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/952](http://taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/952)

9. Kubayevich, K. F. . (2024). Current Analysis and Current Issues of Ensuring the Financial Stability of the Banking System in Uzbekistan. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 4(3), 169–176. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/2681>

10. <https://www.sqb.uz/uz/esg/>